

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

591 Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 20 августдаги 184-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида

Олий таълим муассасаларида соғлом овқатланиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 20 августдаги 184-сон қарорига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «таълим муассасаларида» сўзларидан кейин «(олий таълим муассасалари бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин;

б) Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг I бўлимига қуйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

«5¹. Олий таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш мазкур муассасалар томонидан амалга оширилганда уларга нисбатан ушбу Низомнинг 6 — 22-бандлари қоидалари татбиқ этилмайди».

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 6 ноябрь,
297-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.